

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI

O'zbek tilshunosligi kafedrası

O'zbek filologiyasi yo'nalishi III kurs "D" guruh talabasi

Gulasal Abdurasulovanig tayyorlagan

REFERATI

Mavzu: O'zbek tilida soda va qo'shma gaplar sinonimiyasi

Ish rahbari:

katta o'qituvchi U.Qobulova

ANDIJON – 2016

МАВЗУ: ЎЗБЕК ТИЛИДА СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАР СИНОНИМИЯСИ

РЕЖА

Кириш. Синонимия ва унинг хусусиятлари.

Асосий қисм:

- 1. Синонимия ва унинг ўзбек тилида ўрганилиши.**
- 2. Синонимия ва луғавий маънода даражаланиш.**
- 3. Синонимликни юзага келтирувчи воситалар.**
- 4. Содда ва қўшма гаплар синонимияси**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Синонимия ва унинг хусусиятлари

Тил тараққиёти натижасида ўзбек адабиётида бири ўрнига иккинчиси ишлатилиши мумкин бўлган конструкциялар кўплаб пайдо бўлди. Булар тил бойлигини таъминлашда, нутқ маданиятимизни ўстиришда асосий омиллардан бири бўлиб ўзаро синонимликни ташкил этади.

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда синонимия ва у билан боғлиқ масалаларга бағишланган бир қатор тадқиқотлар майдонга келди. Хусусан, Б. Тўйчибоевнинг от бирикмали синонимларга, Р. Қўнғуровнинг субъектив баҳо формаларининг синонимияси, С. Акбаровнинг синтактик синонимларга, Ғ. Раҳмоновнинг синонимия ва луғавий маънода даражаланиш масаласига оид ишлари шулар жумласидандир.

Шуни таъкидлаш зарурки, ўзбек тилида лексик ва аффиксал синонимия масалалари синтактик синонимияга нисбатан кенгроқ таҳлил этилган. Шу сабабли синтактик синонимиянинг ва айниқса қўшма гаплар синонимиясининг ўрганилиши муҳим ва долзарб масаладир.

Синонимия ходисасини ўрганиш Европа ва рус тилшунослигида бир мунча илгарироқ бошланган. Ўзбек тилшунослигида синонимия юзасидан қилинган ишлар жуда кам.

Синонимия ходисаси тилимизнинг, хусусан унинг стилистик бойлигини кўрсатиб берувчи муҳим воситалардан биридир. Маълум контекст, вазият билан боғлиқ равишда ишлатиладиган айрим маъно нозикликларини келтириб чиқариш хусусияти билангина бир - биридан фарқ қилиб турадиган синонимик шакл ва вариантлар ўзбек тилида субъектив баҳо формалари системасида ҳам анчагина.

Синонимияда, асосан, сўнинг маъно таркибида ифода ва вазифа семалари орасидаги фарқларга таяниб иш қўрилади.

Маълумки, бир хил тузилишга эга бўлган гапларнинг қайта – қайта қўлланилиши китобхонни ёки тингловчини зериктиради. Ранг – баранг гап тузилишларидан фойдаланиш эса тингловчи ёки ўқувчида қизиқишни кучайтиради, ифода этилаётган воқеа – ходисалар ҳақидаги фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Фикрни таъсирли ифода этиш учун синонимик гапларга – параллел синтактик конструкцияларга мурожаат этилади. Улар нутқни бир хил қайтариқлардан ҳоли қилишга ёрдам беради. Бир фикрни тузилиш жиҳатдан турли бўлган гаплар орқали ифода этиш билан ҳам синонимия ходисасини юзага чиқариш мумкин. Бундай синонимия қўшма гаплар ўртасида ҳам кузатилади. Қўшма гапда ҳаракат – ҳолат, белги – хусусият тушунчаси ҳукмга

айланади. Натижада тингловчини диққатини бир нуктага тортиш имконияти туғилади.

Функционал яқин, лекин бир хил бўлмаган сўзлар ва синтактик бутунликлар умумхалқ тилининг даврлар давомида таркиб топган усуллари мажмуасини ташкил этиб, лексик фразеологик ҳамда грамматик синонимия учун база яратди.

Мана шундай параллел шакллар ёки синонимия ходисаси мавжуд бўлган жойда сўзловчи ўз фикрини хоҳлаган усулда тўлароқ, аниқроқ етказа олиш имкониятига эга.

Тилда кўп маънолилиқ ва мажозий маъноларнинг ривожланиб бориши, яқинлик ва ўхшашлик синонимиянинг ривожланишига шарт – шароит яратади. Синонимия бор жойда танлаш, саралаш имконияти бор. Демак, синонимия ходисаси бизни қайтариқлардан ҳоли қилади. Фикрнинг мазмуни эмас, балки ана шу мазмуннинг ифода этувчи синтактик бутунликларнинг турли кўринишлари, синонимиянинг предмети ҳисобланади.

Синонимия деганда, бир тилнинг ривожланиш даврида тузилиши жиҳатидан фарқланувчи сўз бирикмалари, гаплар, уларнинг орасидаги ўхшаш мазмуний муносабатларнинг бирлиги тушунилади.

Синонимия кўп қиррали мураккаб ходисадир. Чунки синонимия ходисаси синтактик бирликларнинг ҳар бири доирасида ўз хусусиятига эга бўлади. Синонимлар мазмунан бир – бирига яқин бўлсада бир – биридан фарқ қилади. Бунинг сабаби улар ёрдамида ифодаланувчи ҳаракат – ҳолат, ходисаларнинг ўзаро хос ифодаланувчи сифатларга эга бўлишидир. Синонимлар нафақат грамматик функцияси жиҳатидан бир - бирига яқин бўлиши, балки бир умумий мазмунни ифодалаши, бирининг ўрнига иккинчиси алмашина олиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Ўзбек тилида изоҳлаш муносабатини ифодаловчи қўшма гапнинг тури содда гаплар билан синонимик қаторни ҳосил қилади, бунда қўшма гапларнинг умумий лексик таркибини асосан, сақлаган ҳолда, содда гапга айлантириш мумкин бўлади. Изоҳлаш муносабатини ифодаловчи қўшма гапларнинг бир компоненти умумлашган характерга эга бўлади ва у айтилиши билан қайдайдир белги – хусусиятга эга бўлган нарса борлиги идрок мазмунини янада кучайтиради. Қўшма гапда фикрни ифода этиш анча таъсирлироқ, чунки унда зидлик оттенкасини берувчи грамматик восита бирдан ортиқ, содда гапда эса бу воситаларнинг фақат биттаси мавжуд. Шунинг учун ҳам қўшма гапга нисбатан экспрессивлик кам сезилади.

Синонимлар қўшма гаплар доирасида жуда кенг бўлиб, уларнинг ҳар бир кўриниши алоҳида ўрганишни талаб этади.

1. Синонимия ва унинг ўзбек тилида ўрганилиш даражаси

Тил тараққиёти натижасида ўзбек адабий тилида бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкин бўлган конструкциялар (инсон учун зарур-инсонга зарур, келганига хурсанд-келганидан хурсанд-келгани учун (туфайли, сабабли) хурсанд типли) кўплаб пайдо бўлди. Булар тил бойлигини таъминлашда, нутқ маданиятимизни ўстиришда асосий омиллардан бири бўлиб, ўзаро синонимликни ташкил этади.

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда синонимия ва у билан боғлиқ масалаларга бағишланган бир қатор тадқиқотлар майдонга келди. Хусусан, Б.Тўйчибоевнинг от бирикмали синонимларга, Р.қўнғуровнинг субъектив баҳо формаларининг синонимиясига, С.Акбаровнинг синтактик синонимларга, Ғ.Раҳмоновнинг синонимия ва луғавий маънода даражаланиш масаласига оид ишлари шулар жумласидандир.¹

Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбек тилида лексик ва аффиксал синонимия маалалари синтактик синонимияга нисбатан кенгроқ таҳлил этилган. Шу сабабли синтактик синонимиянинг ва айниқса, кўшма гаплар синонимиясининг ўрганилиши муҳим ва долзарб масаладир.

Функционал яқин, лекин бир хил бўлмаган сўзлар ва синтактик бутунликлар умумхалқ тилининг даврлар давомида таркиб топган усуллари мажмуасини ташкил этиб, лексик-фразеологик ҳамда грамматик синонимия учун база яратди.

Мана шундай параллел шакллар ёки синонимия ҳодисаси мавжуд бўлган жойда сўзловчи ўз фикрини хоҳлаган усулда тўлароқ, аниқроқ етказа олиш имкониятига эга.

Синтактик синонимлар деганда, биз тилдаги замонавий тараққиёт натижаси сифатида юзага келган, грамматик жиҳатдан бир хил функция бажарувчи, семантик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган синтактик бирликлар қаторини тушунамиз. Тилда кўп маънолилиқ ва маъжозий маъноларнинг ривожланиб бориши, яқинлик ва ўхшашлик синонимиянинг ривожланишига шарт-шароит яратади. Синонимия бор жойда танлаш, саралаш имконияти бор. Синонимия бор жойда фикрни аниқ, образли ва ранг-баранг ифодалаш мумкин.² Демак, синонимия ҳодисаси бизни қайтариқлардан ҳоли қилади. фикрнинг мазмуни эмас, балки ана шу мазмунни ифода этувчи синтактик

¹ Б.Тўйчибоев. Ўзбек адабий тилида от бирикмали синонимларнинг баъзи масалалари ва уларнинг пайдо бўлиш усули./ ўзбек тилшунослиги ва умумий тилшунослик масалалари. –Самарқанд, 1975. –Б.111; Қўнғуров Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг синонимияси. /Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. –Самарқанд, 1981. –Б.14; Раҳмонов Ғ. Синонимия ва луғавий маънода даражаланиш. / Ҳозирги ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. –Андижон, 2001. –Б.80.

² Абдулаев А. Ўзбек тилда экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули. –Тошкент, 1987. –Б.69.

бутунликларнинг турли кўринишлари синтактик синонимия предмети хисобланади.

Синтактик синонимияни ўрганиш европа ва рус тилшунослигида бир мунча илгарироқ бошланган. Ўзбек тилшунослигида синтактик синонимия юзасидан қилинган ишлар жуда кам. Синтактик синонимларни ўрганиш масаласи С.Ақбаров ишларида ўртага ташланган.³

М.Асқарова ўзининг монографик ишида синтактик синонимияга алоҳида бўлим ажратиб, унда эргаш гапли кўшма гаплар синонимияси ҳақида тўхталиб ўтади.⁴

Ф.Убаева “Ҳол категорияси” номли монографиясида синтактик синонимиянинг баъзи қирраларини гап бўлаклари синонимияси, гап синонимияси тушунчалари остида очишга ҳаракат қилади.⁵

Б.Тўйчибоев ўз тадқиқотларини отли бирикмалар синонимиясига бағишлаган.⁶

Р.Сайфуллаеванинг дастлабки тадқиқотлари ҳам содда гаплар синонимиясини ўрганишга бағишланган.⁷

Синтактик синонимия кўп қиррали мураккаб ҳодисадир. Чунки синонимия ҳодисаси синтактик бирликларнинг ҳар бири доирасида ўз хусусиятига эга бўлади.

Синтактик синонимлар мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Бунинг сабаби улар ёрдамида ифодаланувчи ҳаракат-ҳолат, ҳодисаларнинг ўзига хос ифодаланувчи сифатларга эга ўлишидир.

Синтактик синонимия деганда бир тилнинг ривожланиши даврида тузилиши жиҳатидан фарқланувчи сўз бирикмалари, гаплар, уларнинг бўлаклари ва янада мураккаброқ синтактик қурилмалар орасидаги ўхшаш мазмуний муносабатлар ва уларнинг бирлиги тушинилади.⁸

Синтактик синонимлар нафақат грамматик функцияси жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиши, балки бир умумий мазмунни ифодалаши, бирининг ўрнига иккинчиси алмаша олиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Синтактик синонимлар ҳар бир қаторининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ажратишнинг қуйидаги асосларини белгилаш мумкин:

1. Фақат бир гап бўлагининг грамматик шакли ўзгарса-ю, гапдаги функцияси ўзгармаса, гап бўлаги синонимияси ҳодисаси юзага келади: *дўстим учун олмоқ – дўстимга олмоқ*.

2. сўз бирикмасида ҳоким ва тобе сўзнинг грамматик шакллари ўзгариши билан ҳоким ва тобе сўзларнинг функцияси ўзгариб, бу бирикмаларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлса, сўз бирикмаси синонимияси дейилади: *талабаларнинг бири – талабалардан бири; ўқиганларнинг бири – ўқиганлардан бири*.

³ Ақбаров С. Ўзбек тилида синтактик синонимлар. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. №6, 1961.

⁴ Асқарова М. Ўзбек тилида эргашини формалари ва эргаш гаплар. –Тошкент: Фан, 1963.

⁵ Убаева Ф. Ҳол категорияси. –Тошкент: Фан, 1979.

⁶ Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика. –Тошкент, 1988.

⁷ Сайфуллаева Р.

⁸ Мамажонов А. Кўшма гаплар стилистикаси. –Тошкент: Фан, 1990. –Б.64.

3. Гапнинг структураси ва ифода шакли ўзгариб, умумий мазмуни бир хил бўлса, гап синонимияси кузатилади: *Хар ким экканини ўрар – Ким нима экса, (у) ўшани ўради.*

Синтактик синонимиянинг асосий мезонлари сифатида эса куйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Лексик материалнинг ҳар икки конструкция учун умумий бўлиши.
2. Синтактик вазифаси жиҳатидан ўзаро яқинлашуви (тенглашуви).
3. Ифода воситаси билан фаркланиши.
4. мазмуний жиҳатдан умумий бир мақсадни ифода этиши.
5. Услубга кўра фаркланиши.

Масалан, *Халқ буни тушуниши керак: биз енгамиз. – Бизнинг енгизишимизни халқ тушуниши керак.*

Юқорида берилган биринчи гап изоҳлаш муносабатидаги боғловчисиз кўшма гап бўлиб, иккита содда гапдан иборат: иккинчи содда гап биринчи содда гап таркибидаги “буни” олмошини изоҳлаб келади. Уни содда гапга алмаштирганимизда, биринчи гап структурасини сақлаб қолган ҳолда, иккинчи содда гапнинг эгаси аниқловчи вазифасида, кесими тўлдирувчи вазифасидаги “буни” олмоши ўрнида қўлланилади. Лекин содда гапда кўшма гапдаги мазмунга кўшимча тарзда ифодаланувчи оттенка, яъни таъкидлаш мавжуд эмас.

Синтактик синонимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг ҳар бир кўриниши алоҳида ўрганишни талаб этади.

Демак, синтактик синонимия бир хилдаги эмас, балки ҳар хил тузилиши, яъни яқин ва бир тартибли муносабатларни англатган ҳолда, сўзлар орасидаги грамматик алоқа воситалари ва кўрсаткичлари ёрдамида фаркланадиган ҳодисадир.

2. Синонимия ва луғавий маънода даражаланиш

Лексик синонимлар лексик таркиби тенг, баъзи белги-хусусияти ўзаро фарқли семалардир. Демак, лексик синонимия аташ ва вазифа семалари бир хил, ифода семалари ҳар-хил бўлган ҳодисадир. Хусусан, юз-афт-башара-турқ синонимик қаторидаги беш лексемалар аташ семалари бир хил, аммо ифода семалари турличадир. Аниқроғи, бу ҳолатда “шахсий салбий муносабат” семаси бет-афт-башара-турқ лексикаларида ифодаланган, юз лексемасида эса бетараф. Салбий муносабат даражаси бетдан турққа қараб ўсиб боради. Шундай синонимик қаторни “ижобий муносабат” ва унинг даража белгиси асосида юз-чехра-хусн-жамол-дийдор-ораз лексемалари ҳам ташкил этади. Бу ҳода айни белги чехрадан оразга томон ўсиб боради. Синонимик муносабатларни тўлиқ атрофлича тадқиқ қилишда ифода семаларини ўрганиш муҳим омил ҳисобланади. Синонимик қаторнинг аташ ва вазифа семалари айнан, ифода семалари фарқли бўлган бир тури – маънодошлик (маъновий даражаланиш) тури мавжуд.

Маъновий даражаланиш (градуонимия) нарса-буюм, белги, ҳаракат-ҳолатни турлича даражалаб атовчи нинни-чақалоқ-гўдак-бола-ўсмир-йигит каби лексемалар гуруҳидир.⁹

Луғавий градуонимияда семема таркибида муайян сема миқдор билан узвий боғлиқ бўлган белгини ифодалайди ва бу белги озлик ёки кўплик томон ўзгариб, икки ёхуд ундан ортиқ семемалар таркибига киради ҳамда шу йўл билан маъно боғланишлари ҳосил қилинади: чақалоқ-гўдак-бола-ўсмир-йигит-чол; нодон-эсли-доно-мутафаккир; ниҳол-кўчат-дарахт каби.¹⁰ Нинни-чақалоқ-гўдак-бола-ўсмир-йигит даражаланиш қаторини бола-фарзанд-зурриёд синонимик қатори билан қиёсланса, улар орасидаги фарқларни англаш мушкул эмас. Асосий фарқ синонимик қатордаги лексемаларнинг аташ семалари бир хиллиги, бир турдаги нарса-буюм, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатни англатишдир. Даражаланиш қаторларида эса умумий аташ семалари бир хил бўлиб, улар маълум бир семанинг турли даражаларини ҳам ифодалайди. Масалан, нинни-чақалоқ-гўдак-бола-ўсмир-йигит даражаланиш қаторида “ёшнинг миқдори” семаси даражаланади. Синонимик қатор билан даражаланиш қатори орасидаги иккинчи тафовут шундаки, синонимик қатордаги лексемалар ўзаро ифода семалари билан фарқланади, даражаланиш қаторида эса бу шарт эма.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, синонимияда, асосан, сўзнинг маъно таркибида ифода ва вазифа семалари орасидаги фарқларга таяниб, градуонимияда луғавий парадигмаларни ажратиш, сўзларнинг аташ, номлаш семалари таркибидаги миқдорий кўрсаткичлар билан алоқадор бўлган сифат фарқлари семаларига таяниб иш кўрилади.

3. Синонимликни ҳосил қилувчи воситалар

Синонимия ҳодисаси тилимизнинг, хусусан, унинг стилистик бойлигини кўрсатиб берувчи муҳим воситалардан биридир. Маълум контекст, вазият билан боғлиқ равишда ишлатиладиган айрим маъно нозикликларини келтириб чиқариш хусусияти билангина бир-биридан фарқ қилиб турадиган синонимик шакл ва вариантлар ўзбек тилида субъектив баҳо формалари системасида ҳам анчагина. Дарслик, қўлланма ва монографик кузатишларда субъектив баҳо аффикси сифатида талқин қилинаётган аффикслар оғзаки нутқда, бадиий адабиёт тилида ёзувчи ва сўзловчининг нияти, контекст билан боғлиқ равишда, нотипик қуршовда ўзининг асосий маъносидан бошқачароқ қўшимча маъноларни англатиш учун ҳам хизмат қилади. бу аффикслар баъзан ўзининг асосий маъносида иккинчи бир тил воситаси билан синонимик муносабатда бўлса, баъзан қўшимча маъноси билан бошқа бир сўз, аффикс ёки конструкция билан ситуатив синонимик муносабатга киришади. Масалан, кичрайтириш оттенкали субъектив баҳо шакллари энг аввало ўзаро бир-бирлари билан, сўнгра кичрайтириш-

⁹ Неъматов Ў., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.108.

¹⁰ Бозоров О. Градуонимиянинг антаимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни. / Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, №4. –Б.35.

эркалашни ифодаловчи шакллар билан синонимик муносабатда бўла оладилар. Бу шакллар бошқа баъзи бир аффиксал морфемалар билан ҳам функциядошлик қилиши мумкин. Ҳатто улар айрим лексемалар билан синонимик муносабатга киришади. Жумладан, кичрайтириш оттенкали субъектив баҳо шакллариининг асосий қисми кичрайтириш маъносини англатиш учун қўлланганда, шу маънодаги “кичик” сўзи билан синонимик муносабатда бўлади. Лекин уларни ҳамма вақт ҳам алмаштириб қўллаш мумкин деган хулосага келиш нотўғридир. Агар субъектив баҳо формасини “кичик” сўзи билан алмаштирганда гапнинг умумий маъносига мос келмасдан ва сўзловчи ниятини аниқ кўрсатмасдан бошқача маъно келиб чиқишига сабаб бўлиб қолса, у вақтда бу шакл ва “кичик” сўзини синоним сифатида алмаштириш мумкин эмас. Масалан: *Ўртанча қизингиз, Адол опам дунёга арзийдиган битта ўғилча тугдилар.* қиёс: *битта кичик ўғил; У кўм-кўк денгизда сузган кемача* – қиёс: *кичик кема*. Ушбу мисолларда –ча ва кичик ўзаро алмашилиб, синонимликни ҳосил қилади.

Энди қуйидаги мисолларга аҳамият берайлик. Буларда –ча ва кичик ни синоним сифатида алмаштириш мумкин эмас. Агар улар алмаштириб қўлланилса, маъно ўзгаради: *Бу иккинчи совчиликда гўё қудачалардек қарши олинди (А.Қодирий).* *Ҳа, хотинча, йўллари бўлсин?(С.Аҳмад).* Биринчи мисолдаги *қудачалар* сўзидаги субъектив баҳо шакли –ча аффикси кичрайтириш билан бирга эркалаш маъносини ҳам ифодалайди. Бунда эркалатиш оттенкаси кичрайтириш маъносига кўра кучлироқ ҳисобланади. *қизча* сўзидаги –ча аффиксида ҳам кичрайтиришдан кўра эркалаш маъноси устунроқ. Кейинги мисолларда ҳам шундай ҳолат кўзга ташланади.

–ча морфемаси кичрайтириш маъносида, умуман бошқа тил воситалари билан синонимик муносабатга кам киришади. Субъектив баҳо ифодалашда шунга яқин, ўхшаш маъноларни ифодаловчи воситалар билан синоним бўла олиши, уларнинг бири ўрнида иккинчиси қўлланиши мумкин. –ча, –гина, –лок аффикслариининг маъно оттенкаларидаги потенциал синонимик яқинликни, муносабатни аниқлашда эгалик аффикси ёрдамчи восита ролини ўйнаши мумкин. Эгалик аффикси бу ўринда актуализатор вазифасини бажаради: *қизчам, қизалогим, қизгинам.*

–ча аффикси турли хил грамматик-семантик маъноларни ифодалайди. У айрим сўзларга қўшилиб, равиш ёки сифат ясайди ва қиёс, чоғиштириш маъноларини ифодалайди. Шу вазифада у –дек, –дай, –га ўхшаш, –сингари, каби аффикс ва конструкцияларнинг грамматик синоними сифатида баҳоланади: *Булар орасида ишқнинг пуч ёнгоқча қадри йўқ.. / ёнгоқдай/ ёнгоқ сингари/ ёнгоқ каби* ва ҳ.к.

–ча –гача, –гунча аффикслари таркибида чегара маъносининг келиб чиқишида иштирок этиб, қадар кўмакчиси билан, менимча, билишимча, эшитишимча, айтганча каби кириш сўзлар составида келиб, сўзловчининг объектга, ўз нуткига муносабатини билдирганда, айрим конструкциялар билан синоним бўла олади. Худди шу маънода баъзан ўрин келишиги кўшимчаси билан ҳам синонимик муносабатга киришади. Бундан ташқари –ча аффикси ҳозирги ўзбек тилида –к (ойна+ча // ойна+к); –**чак** (келин+ча //

челин+чак, тугун+ча // тугун+чак); **-чик** (бола+ча // бола+чик); **-чок** (кўзи+ча // кўзи+чок, той+ча // той+чок); **-лок** (қиз+ча // қиза+лок); **-ак** (йўл+ча // йўл+ак) каби аффикслар ҳамда **чамаси** сўзи билан синонимик муносабатга киришиши ва бири ўрнида иккинчиси алмашилиши мумкин.

Ўзбек тилида —чак, -чок, -чик каби аффикслар ҳам —ча каби, асосан, кичрайтириш, баъзан эркалатиш-кичрайтириш маъноларини ифодалашда иштирок этади. Бу аффикслар бир-бирига яқин маънода ишлатилганда, бири иккинчиси ўрнида қўлланиши мумкин. Проф. Ш.Раҳматуллаев —чок, -чик, -чак аффиксларини вариант сифатида изоҳлайди.¹¹

Синтактик синонимиканинг айрим масалалари бўйича умумтилшуносликда ҳам умумийлик йўқ. Жумладан, бир гуруҳ олимлар синоним конструкцияларни бир-бирига тўлиқ мос деса, иккинчи гуруҳ олимлар уларда қандайдир тафовут бор деб қарайдилар.¹²

Синтактик синонимларнинг маъно мослиги тўғрисидаги бу икки хиллик, албата, лексик синонимиядаги назарий фикрларнинг таъсири натижасида келиб чиққан. Чунки лексик синонимияда ҳам шу хил қарашлар мавжуд.¹³

Бу соҳадаги иккинчи мунозара аспектлараро ёки бир аспектлик принципи тўғрисидадир. Бир гуруҳ олимлар аспектлараро принципа кузатса, иккинчи гуруҳ олимлар бир аспектликка амал қилиш зарурлигини уқтиради. Кўрсатилган мунозарали масалаларнинг ҳар иккаласи ҳам синтактик синоним билан лексик синонимларнинг ясалиш усули билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун уларга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Синтактик синонимлар ҳам лексик синонимлар каби тил бойлигини келтириб чиқаради, ундан турлича стилистик бўёқдорликда фойдаланиш имконини яратади. Демак, уларнинг ҳар иккаласидаги мақсад бирлиги биринчи ва асосий ўхшашликдир.

Иккинчидан, улар ўртасидаги ўхшашлик синонимик қаторларнинг маъно яқинлиги билан белгиланади.

Учинчидан, лексик синонимларда ҳам, синтактик синонимларда ҳам ўзаро алмашилиш ҳодисаси мавжуд.

Тўртинчидан, синонимик қаторнинг кенгайишида ўхшашлик бор. Яъни уларнинг ҳар иккаласи ҳам:

а) тилда қадимдан мавжуд бўлган сўзлар ҳисобига;

б) диалектлар ҳисобига;

в) бошқа тиллардан кирган сўзлар ҳисобига синонимлик қаторини кенгайтириб боради..

¹¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. —Тошкент, 1975. —Б. 233.

¹² Ревзин И.И. К вопросу грамматической синонимике (употребление оборотов с partizip и синонимических конструкций в немецком языке). // Иностранные языки в высшей школе. -М.: Наука, 1952. Вып. 1. —С.51.; Уткин Д.В. К синонимии отрицательных конструкций с родительным и винительным падежами в современном русском языке.//Ученые записки. Омск, 1968. Вып.18. —С.79.

¹³ Жуманиёзов Р. Синонимлар таърифи масаласи./ Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, -№1. —Б. 41-42.

Лексик ва синтактик синонимларнинг қатор ўхшашликлари билан бирга ички тузилиш томонидан фарклари ҳам бор.¹⁴

Биринчидан, лексик-фразеологик синонимлар предметнинг, ходисанинг хусусият ва номланишини эмас, улар орасидаги муносабатни кўрсатади. Масалан, *ишчан, талабчан* – одамнинг яхши хусусият белгилари; *бўри, қашқир, ит, қуш, жолдор* – бир ҳайвоннинг турлича номланиши. Сўз бирикмаларида эса бундай ажратиб аташ ҳолати йўқ.

Иккинчидан, улардаги фарқ қўшимчалар орқали ҳам кўзга ташланади. Лексик синонимлар бир хил қўшимчали бўлса (аклли, эсли, иболи ва бошқ.), синтактик синонимикада қўшимчаларнинг алмашилиши шарт: *болаларнинг бири-болалардан бири, ўқиганига шод-ўқиганидан шод*.

Келишик қўшимчаларининг ўзаро алмашилиш ходисаси туркий тилларга қадимдан хос ходиса, бу ҳолат ҳозирги ўзбек адабий тилида кўп учрайди.

Учинчидан, лексик синонимлар бир сўз туркумига оид (*қуёш, офтоб, кун; севги, муҳаббат* – от; *ухлади, мизгиди* – феъл ва бошқ.) бўлиши керак, аммо синтактик синонимларда бу ҳолат шарт эмас.

Тўртинчидан, сўз бирикмалари синонимикасига ўтган конструкциялар икки компонентли бўлади.

Синтактик ҳамда лексик синонимларнинг ўхшаш ва фарқланувчи томонлари уларнинг пайдо бўлиш усулларида янада очиқ кўринади. Шунинг учун сўз бирикмалари синонимларининг ясалиш усуллари кўриб ўтиш зарур.

1. Маълумки, келишиклар сўз бирикмаси составидаги элементлар ўртасидаги грамматик муносабатларни кўрсатадиган энг актив воситалардан бири. У от ва от маъносидаги сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик муносабатини ифодалайди.¹⁵ Натижада турли типли бирикмалар ҳосил бўлиб, улар ўзаро синонимликни ташкил этади. Демак, синтактик синонимларнинг ҳосил бўлишидаги биринчи усул келишикли конструкцияларнинг ўзаро муносабатидир.

А) Жўналиш ҳамда чиқиш келишигидаги бирикмалар ўзаро синоним конструкцияларни ҳосил қилади. бу бирикмалар асосан сабаб-натижа маъносини ифодалайди. Масалан, Ҳожи. Берган маслаҳатларингизга жону дил-ла хурсандман. Ниятимиз *бир ердан чиққанидан* ғоятда шодман.

Б) қаратқич ва чиқиш келишикли конструкциялар бир-бирига синоним бўла олади. Бундай бирикмаларда асосий ҳоким сўз сон бўлиб, бирикма группани, тўдани ташкил этувчи нарсаларнинг бир қисmini ифодалайди. Масалан, *шу кунларнинг бирида* дадам қора сигир етаклаб келди. (А.қаҳҳор) Тожихон буфетга терилган *пиёлалардан бирида* чой узутуётганида ташвишга қолиб “менга жўнроқ пиёлада бера қолинг” дейишга сал қолди. (А.қаҳҳор)

В) Жўналиш ҳамда қаратқич келишиги асосида вужудга кеган синоним от бирикмалар аташ, белгилаш маъносида келади: *боғчага қоровул-боғчанинг*

¹⁴ Сухотин В.П. Синтаксическая синонимика в современном русском литературном языке. Глагольные словосочетания. –М.: Изд. АН СССР, 1960. –С.19.

¹⁵ Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар./Ўзб.ФА ахборотлари, филология, Ўқитиб. –Тошкент, 1941. –Б.6.

қоровули, Каримга ҳамроҳ-Каримнинг ҳамроҳи. Аммо тилда тилда бу каби бирикмалар синоними унчалик кўп эмас. Бу ўринда эслатадиган яна бир нарсаси, жўналиш келишигидаги бирикмада асосан аташ, белгилаш маъноси бўлса, қаратқичли бирикмада юқоридаги маъно билан бирга қарашлилиқ ҳам мавжуд. Худди шу ҳолатнинг ўзиёқ синоним конструкцияларнинг ҳамма томондан тўлиқ мос эмаслигини, уларда қандайдир оттенкали стилистик тафовутларнинг борлигини кўрсатади.

2. От бирикмаларининг синоними кўмакчили ва келишлик конструкцияларнинг муносабати асосида ҳосил бўлади.

А) Жўналиш келишиги ва **билан** кўмакчиси муносабатида: *Нурхон менга бегона эмас! У менинг жонимга тенг.*

Б) Жўналиш келишиги билан **учун** кўмакчиси асосида: *Ахир бу менинг қизим. Сизга бегона. Энди табассум, кулги мен учун бегона.*

В) Жўналиш, чиқиш келишлик конструкциялар ва **учун, сабабли (сабабдан), туфайли** кўмакчили конструкциялар ёрдамида: *сизни хафа қилиб қўйганимдан жуда кўнглим гап. ... Хафа қилиб қўйганим учун. ... Хафа қилиб қўйганимга...*

Г) қараганда, нисбатан, кўра кўмакчили конструкциялар билан чиқиш келишигидаги бирикма муносабатида синонимлар вужудга келади: *Мавлуда Мавжудага қараганда анча эпчил қиз. Дилмуроджон Ғиёсиддинга нисбатан икки ёш катта.*

3. Ўзбек тилида от бирикмалар синоними кўмакчили ва баъзи қўшимчали конструкциялар ёрдамида ҳам пайдо ўлади.

А) –дай, -дек қўшимчаси ва **сингари, каби** кўмакчилари муносабатида бундай бирикмалар асосан ўхшатиш маъносини билдиради: *Боботоз этагида тўқсонни урган донишманд бахшии яшармиш: бели калтакдай, кўзлари ўқдай, юзлари қирмизи олмадай.*

Б) –ча, қараганда, кўра, бўйича кўмакчилари муносабатида: *унинг фикрича, шундай – унинг фикрига қараганда, шундай.*

4. Келишлик ва олд кўмакчили конструкциялар муносабатида ҳам синонимлар юзага келади. Бунда асосан ўрин-пайт ва баъзи олд кўмакчилар иштирок этиб, макон маъносидаги бирикмалар синонимини туғдиради.

5. Баъзи боғловчили конструкцияларнинг кўмакчили ва келишлик конструкциялар билан муносабати асосида ҳам синтактик синонимлар ҳосил бўлади.

Баъзи олимлар синтактик синонимлар яшашда эгалик аффиксининг ҳам ролини қайд этиб, *дарахтнинг барги-дарахт барги, республикамизнинг саноати-республикамиз саноати* типли бирикмаларни синтактик синонимларга киритадилар.¹⁶

Бу типли бирикмалар гарчи синтактик синонимликнинг айрим шартларига жавоб берса-да, конструкцияларнинг тузилиши бўйича қўйилган

¹⁶ Акбаров С. Ўзбек тилида синтактик синонимлар масаласи.//Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –Т., 1961, №6. –Б.65.

талабларга жавоб бера олмайди. Яъни синоним конструкциялар келишик ва бошқа кўшимчалар, кўмакчилар асосида ўзаро фарқланиши керак.

Грамматик муносабатни ифодалашда интонация ва сўз тартибининг ҳам роли катта бўлиб, улар асосан гап учун характерлидир. Шунинг учун гапларнинг синонимлари ҳақида фикр юритилган пайтда интонациянинг роли ҳам алоҳида қайд этилади.¹⁷ Ундан ташқари гап синонимларини юзага келтиришда гап турларининг ҳам (дарак, буйруқ, сўроқ, тасдиқ, инкор ва ҳ.) маълум даражада роли бор. Кўринадик, сўз бирикмалари билан гап синонимлари пайдо бўлиш усулидан фарқланар экан. Демак, ана шу фактнинг ўзиёқ синтактик синонимларни кузатганда бир аспектлик принципига асосланиш маъқул деган фикрни тасдиқлайди.

Хуллас, синтактик синонимлар асосий ва грамматик маъноси томонидан бир-бирига яқин ва баъзан тенг бўлиб келади. Тилда ҳар иккала конструкциянинг сақланиб туришини, биринчидан, уларда ҳаммавақт тенгликнинг йўқлиги белгиласа, иккинчидан услб белгилайди.

4. Содда ва қўшма гаплар синонимияси

Маълумки, бир хил структурага эга бўлган гапларнинг қайта-қайта қўлланиши китобхонни ёки тингловчини зериктиради. Ранг-баранг гап структураларидан фойдаланиш эса тингловчи ёки ўқувчида қизиқишни кучайтиради, ифода этилаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Фикрни таъсирли ифода этиш учун синонимик гапларга – параллел синтактик конструкцияларга мурожаат этилади. Улар нутқни бир хил қайтариқлардан ҳоли қилишга ёрдам беради.

Бир фикрни тузилиш жиҳатдан турли бўлган гаплар орқали ифода этиш билан ҳам синтактик синонимия ҳодисасини юзага чиқариш мумкин. Бундай синонимия содда ва қўшма гаплар ўртасида ҳам кузатилади.

Содда гапда ҳаракат-ҳолат ёки белги-хусусият мураккаб тушунча сифатида қайд этилади. қўшма гапда эса ана шу тушунча ҳукмга айланади. Натижада тингловчининг диққатини бир нуқтага тортиш имконияти туғилади. Бундай имконият фақат қўшма гапдагина мавжуд:

Меҳнатсиз роҳат йўқ – Меҳнат бўлмаса, роҳат йўқ.

Мен ёш тўқини бекорлигини биламан – Мен биламан: ёш тўқини бекор.

Содда гаплардан воқеа-ҳодисалар ёки белги-хусусиятларнинг мавжудлигини констатация қилиш учун фойдаланилади. Баъзан ана шу воқеа-ҳодисалар, белги-хусусиятлар орасидаги мантикий боғланишларга муаллифнинг турли шахсий муносабатини ифодалаш зарур бўлиб қолади. Ана шундай вақтларда қўшма гаплардан фойдаланишга тўғри келади.

Ўзбек тилида изоҳлаш муносабатини ифодаловчи қўшма гапнинг тури содда гаплар билан синонимик қаторни ҳосил қилади. Бунда қўшма гапларнинг умумий лексик таркибини, асосан, сақлаган ҳолда, содда гапга айлантириш мумкин бўлади. Боғловчисиз қўшма гап ва содда гап орасидаги

¹⁷ Степанян И.О. Синонимика в области синтаксически нерасчленённых предложений в современном русском языке.//Научные труды. –Ереван, 1951. –С.85.

синонимия: боғловчисиз қўшма гапнинг изоҳловчи компоненти бирикмали бўлакка айлантирилиб, изоҳ талаб қилинадиган компонент таркибига киритилади, натижада қўшма гап содда гапга айлантирилади:

Халққа айтиш: мен асло ўлганим йўқ.

Бу қўшма гапнинг биринчи компоненти мазмунан изоҳ талаб қилади: нимани айтиш кераклиги сўралади. Иккинчи қисм биринчи қисм томонидан талаб қилинадиган изоҳ мазмунини ифодалайди. Демак, бу ерда иккинчи қисм – содда гап бирикмали бўлакка айланади. Бунда содда гапдаги предикатив алоқа (эга-кесим алоқаси) атрибутив (аниқловчи-аниқланмиш) алоқасига ўзгартирилади, натижада бир бутун предикатив бирлик мураккаб сўз бирикмасига айлантирилади: *мен асло ўлганим йўқ – менинг ўлганим йўқлигини – Халққа менинг ўлганим йўқлигини (ўлмаганлигимни) айтиш.* Баъзан таркиби мураккаблашган боғловчисиз қўшма гаплар ҳам мазмунан бир содда гапга тенг бўлиши мумкин:

Биз билмас эдик, баҳоси қанча, дадам пулни қаердан олади (Ойбек).

Биз баҳонинг қанчалигини, дадамнинг пулни қаердан олишини билмас эдик.

қийёслаш учун қуйидаги гапларни олайлик:

Радиодан ёқимли куй тараларди, аммо буни Улмас эшитмасди.

Радиодан ёқимли куй таралаётганини Ўлмас эшитмасди.

Бу икки синтактик конструкция мазмунан ўзаро синоним ҳисобланиб, уларнинг компонентлари номувофиқлик, зидлик, карама-қаршилик оттенкаларини ифодалаш учун хизмат қилади. Лекин бу оттенкалар қай даражада, қандай ифодаланганлиги жиҳатидан бир-биридан кескин фарк қилади: содда гапда номувофиқлик кесим таркибидаги –ма бўлишсизлик қўшимчаси ёрдамида, қўшма гапда эса бундан ташқари зидловчи боғловчининг ҳам иштирок этиши орқали ифода этилади, натижада зидлик мазмуни янади кучайтирилади. қўшма гапда фикрни ифода этиш анча таъсирлироқ, чунки унда зидлик оттенкасини берувчи грамматик восита бирдан ортиқ. Содда гапда эса бу воситаларнинг фақат биттаси мавжуд. Шунинг учун ҳам унда қўшма гапга нисбатан экспрессивлик кам сезилади.

Гапнинг, шунингдек, боғланган қўшма гапнинг семантик структурасини тушунишда коммуникация жараёнида сўзловчининг, яъни субъектнинг роли билан боғлиқ семагтикани таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Буни Ш.Балли фарклаган бўлиб, унинг фикрича, ҳар бир гапда икки хил мазмун бор. Улардан бири модус- (субъектив мазмун) фикрловчи субъектнинг айна объектив мазмунга нисбатан тутган позициясининг ифодаси, иккинчиси диктум (объектив мазмун)дир¹⁸. Гапда ифодаланган ҳамма фикр ҳам эксплицит тарзда намоён бўлавермайди. Кўп ҳолларда фикр имплицит (яширин) тарзда ифодаланади. Гапда ифодаланган имплицит фикр гап қурилишида иштирок этган реал лексик составдан англашилган

³¹ Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. Пер. с. франц. М., 1965. С. 43-48.

маъноларни солиштириш орқали аникланади. Бошқача қилиб айтганда, имплицит фикр реал ташқи структура орқали юзага чиқмайди, балки гапнинг ички структураси орқали тасаввур этилади. Ички ва ташқи синтаксис ҳақидаги ғоя Ю.Д.Апресян ва В.Г.Гак¹⁹ томонидан илгари сурилган.

Шуни айтиш керакки, имплицит маъно боғланган қўшма гапнинг семантик структурасида муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, *Шайх муширифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди* (О.Ёкубов, «Кўхна дунё») гапидаги имплицит маънони шундай бериш мумкин. *Шайх муширифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди, чунки қаттиқ дили оғриган эди ёки Шайх муширифга лом-мим демади, аммо бу машъум воқеадан кейин қаттиқ ранжигани учун бир ҳафтагача оғзига талқон солиб олди* каби.

Кўринадики, бундай кенгайтирилган конструкция гапда яширинган имплицит маънони аниқлашга ёрдам беради.

Формал грамматикада боғланган қўшма гап компонентларининг ўзаро бирикувида бириктирувчи боғловчилар – *ва, хам, ҳамда* муҳим грамматик бирлик сифатида иштирок этиши қайд этилади.²⁰ Шунингдек, қўшма гапнинг тузилиши ва у ифодаланган маъно асосан унда иштирок этган грамматик воситалар *ва, хам, ҳамда* га боғликлиги таъкидланади.

Бирок боғланган қўшма гап семантикасини урганиш қўшма гап таркибида қандай грамматик воситанинг кулланиши гап компонентларида, яъни предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик birlikларнинг узаро грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикасига боғлиқ эканлигини курсатди. Дарҳақиқат, диалектик материализмдан маълумки, шакл мазмунни белгиламайди, аксинча мазмун шаклни белгилайди. Буни грамматик формаси бириктирувчи боғловчилар бўлган боғланган қўшма гапларнинг тахлилида куриш мумкин.

Анъанавий грамматикадан маълумки, *ва* боғловчиси икки содда гапни узаро тенглашиш характеридаги синтактик алокани ифодалаш учун хизмат қилади²¹. Бунда *ва* боғловчиси орқали алокага киришган ҳар икки компонент тенг модуснинг ёки тенг воқеанинг ифодаси бўлган суз ёки гаплардан, яъни предикатив конструкциялардан иборат бўлади.

1 Боғланган қўшма гапларнинг компонентлари тенг мавкеда бўлиб, бири иккинчисига мантиқан тобе ёки боғлиқ бўлмайди. Бу компонентлар

¹⁹ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, синонимические средства языка. М., 1974; Гак В.Г. проблеме синтаксической семантики интерпретации глубинных и литературного языка. М., 1970. С. 675-676; Абдурахмонов Г. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1958, 51-бет; Гуломов А; Аскарова М. Хозирги замон узбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 106-бет.

³³ Апресян Ю.Д. Лексическая семантика, синонимические средства языка. М., 1974; Гак В.Г. проблеме синтаксической семантики интерпретации глубинных и поверхностных структур. - В. ки.: Инвариантные синтаксические значения и структура предложения. М., 1969. С. 77-86.

³⁴ Русская грамматика. Синтаксис. М., 1980, Т. 2. С. 462; Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970. С. 675-676; Абдурахмонов Г. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1958, 51-бет; Гуломов А., Аскарова М. Хозирги замон узбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961, 106-бет.

³⁵ Абдурахмонов Г. Уша асар, 51-52- бетлар.

узaro тенглашиш характеридаги синтактик алокага киришганлиги сабабли, уларнинг уринлари алмашганда ҳам, гапнинг умумий семантикасида узгариш юз бермайди. Масалан: *Карим укиди ва Салим ёзди*. Бу гапнинг хар бир компоненти формал грамматика нуктаи назаридан

Караганда, икки мустакил, бири иккинчисига боглик булмаган содда гаплардан иборат. Лекин бу гапни синтактик семантика нуктаи назаридан тахлил килинганда, бундаги хар икки пропозиция учун умумий булган, лекин эксплицит ифодаланмаган пресуппозиция – *билим олиш* жараёнини кетаётганлиги, мавжудлиги аён булади. Демак, *Карим укиди ва Салим ёзди* воқеасининг ифодаси булган бу богланган кушма гап компонентларини бир умумий пресуппозиция бирлаштириб турибди. Аммо бу гапдаги хар бир компонентда ифодаланган воқеа бири иккинчисини такозо этмайди. Уларнинг хар бири узича мустакил, тенг ҳуқуққа эга. Шунингдек, улар айна бир вақтда содир булган. Шунинг учун ҳам бу гапда *ва* богловчисининг кулланиши тугри. Чунки бунда *ва* богловчисининг маъноси предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик birlikларнинг грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий маънога мос тушади. Бу уринда шуни қайд этиш керакки, бундай богланган кушма гаплар компонентларидаги предикатлар семантик жихатдан бир уяга мансуб феъллар орқали ифодаланади. Бундай кушма гап компонентларида субъект ҳам, предикат ҳам тулик ифодаланади ҳамда предикатив конструкцияларнинг хар иккиси ҳам бир хил – ё тасдиқ ёки инкор формада булади.

Вафосизда ҳаё йук ва ҳаёсизда ва йук (Навоий). Бу кушма гап хар икки тенг пропозиция тенглашиш характеридаги синтактик алокага киришган ва компонентларнинг предикатлари бир хил инкор формада.

Яна бир мисол: *Чирок уннга қайрилиб гойиб булди-ю, ҳаёл утмай яқинроқдан қузни қамаштирадиган ёғду сочиб чиқуди ва босинки мотор товуши эшитилди* (А.Қаххор, «Синчалак»). Бу гапнинг хар икки компонентида ифодаланган пропозициялар тасдиқ формада ва бир пресуппозициянинг субъектлари бир модуснинг тенг белгилари асосида юзага келган воқеаларнинг ифодаси булган компонентлар *ва* богловчиси орқали тенгланиш характеридаги синтактик алокага киришган.

2. Богланган кушма гапларнинг иккинчи компоненти мантиқан биринчи компонентга тобе, яъни биринчи компонент орқали юзага келганда. Масалан: *Ҳаво булут булди ва ёмғир ёғди* гапини тахлил қилайлик. Бу гапда уз ифодасини топган икки воқеа, яъни икки пропозиция – *ҳавонинг булут булиши* ҳамда *ёмғирнинг ёғиши* мавжуд. Аммо бу воқеаларнинг содир булиши бир-бири билан узвий боглик, яъни *ёмғир* сузининг ифодаси булган предмет *булут* сузининг ифодаси булган предмет таркибига қиради. *Ёмғирнинг ёғиши ҳавонинг булут булганлиги* туфайли содир булади. Демак, бу гапда уз ифодасини топган биринчи воқеа иккинчи воқеанинг содир булишини такозо этади. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи пропозициянинг юзага келишида биринчи пропозиция асос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу кушма гапнинг компонентлари семантик жихатдан, яъни мантиқан иккинчи компонент биринчига тобе. Бинобарин, бу богланган кушма гапнинг

грамматик формаси *ва* боғловчиси булиши мантикан тугри эмас. Лекин биринчи компонентдаги субъект – *булут* хакидаги пресуппозиция, *яъни хаво булут булганда* хамма вақт хам *ёмгир ёгавермаслиги* (умуман ёгингарчилик булмаслиги ёки қор ёгиши мумкинлиги), шунингдек, булут ёмгир ёгишининг сабабчиси эмас, балки унинг манбаи эканлиги олдиндан маълум. Бу уринда сузловчи диққати иккинчи компонент ифодаси булган воқеанинг содир булиш сабабига эмас, ҳар икки воқеанинг кетма-кет содир булишига қаратилган. Шунинг учун хам бу қўшма гап компонентлари *ва* боғловчиси орқали боғланган. Демак, бу гапда *ва* боғловчисининг қўлланилишини шу гапда иштирок этган лексик бирликларнинг грамматик ва семантик муносабатидан англашилган умумий семантикаси такозо этган. Бундай боғланган қўшма гапларнинг ҳар икки компоненти предикатлари ё тасдиқ формада, ёки инкор формада бўлади воқеалар кетма-кет, яъни олдин биринчи воқеа, кейин иккинчи воқеа содир бўлади.

Демак, *ҳам*, *ҳамда* боғловчилари факат *ва* боғловчисига эквивалент бўла оладиган ҳолатлардагина боғланган қўшма гапларда грамматик форма сифатида иштирок эта олади. Қолган ҳолатларда эса (боғловчисиз боғланган қўшма гапларда ва уюшган содда гапларда) экспрессивликни (таъкидни, биргалик маъносини) оширувчи восита сифатида қўлланади.

Шундай қилиб, боғловчили боғланган қўшма гапларнинг синтактик-семантик таҳлили натижасида қуйидаги ҳулосага келинди.

1. *Ва* боғловчиси бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гапларнинг асосий грамматик формасидир.

2. Бундай қўшма гаплар турт хил бўлади:

а) Боғланган қўшма гаплар айна бир пайтда содир булган, бири иккинчисига мантикан тобе булмаган воқеалар ифодасидир. Б) боғланган қўшма гапларда иккинчи компонент мантикан биринчи компонентга тобе бўлади.

в. Боғланган қўшма гаплар компонентларида бири иккинчисига мантикан тобе булмаган бир субъект томонидан содир этилган воқеалар ифодаланади.

г. Боғланган қўшма гаплар бир субъект томонидан содир этилган, иккинчиси биринчисига мантикан тобе булган икки воқеанинг ифодасидир.

3. *Ҳам*, *ҳамда* боғловчилари *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида асосан стилистик талабга қўра боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлиб келади. У асосан –*да* юқламаси *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида синтактик-семантик структурага боғланган қўшма гапнинг грамматик формаси бўлиб келади. Факат бундай гапларда экспрессивлик (таъкид) қўчли бўлади.

5. –*у* (*-ю*) юқламаси бириктирувчи боғловчили қўшма гапларда *ва* боғловчисининг эквиваленти сифатида боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси бўлиб келади. Баъзи боғланган қўшма гапларнинг грамматик формаси сифатида келганда, пресуппозициянинг актуализатори хам бўла олади. Шунингдек, бундай қўшма гапнинг экспрессивлигини оширувчи восита вазифасини хам бажаради.

6. *-да, -у (-ю), -ку* юкламаси грамматик формаси булган боғланган кушма гаплар купрок бадий адабиётда ва сузлашув нуткида кулланади. Грамматик формаси *ва* боғловчиси булган боғланган кушма гаплар асосан расмий стилда ва муаллиф ремаркасида кулланади.

Хулоса

Синтактик синонимлар ҳам лексик синонимлар каби тил борлигини келтириб чикаради. Ундан кирувчи стилистик буёқдорликда фойдаланиш имконини яратади. Демак, уларнинг ҳар иккаласидаги мақсад бирлиги биринчи ва асосий ухшашликдир. Улар уртасидаги ухшашлик синонимик хатоларнинг маъно яқинлиги билан белгиланади. Лексик синонимларда ҳам, синтактик синонимларда ҳам узаро алмашилиш ходисаси мавжуд. Синонимик каторнинг кенгайишида ухшашлик бор. Яъни уларнинг ҳар иккаласи ҳам:

А) тилда қадимдан мавжуд булган сузлар ҳисобига;

Б) диалектлар ҳисобига;

В) бошқа тиллардан кирган сузлар ҳисобига синонимлик каторини ҳисобига кенгайтириб боради.

Лексик ва синтактик синонимларнинг катор ухшашликлари билан бирга ички тузилиш томонидан фарқлари ҳам бор. Лексик фразеологик синонимлар предметнинг, ходисанинг хусусият ва номланишини эмас, орасидаги муносабатни курсатади. Суз бирикмаларида эса бундай ажратиб аташ ҳолати йук. Улардаги фарқ қушимчалар орқали ҳам қузга ташланади. Лексик синонимлар бир хил қушимчалик бўлса, синтактик синонимикада қушимчаларнинг алмашилиши шарт.

Синтактик синонимлар асосий ва грамматик маъноси томонидан бири-бирига яқин ва баъзан тенг бўлиб келади. Тилда ҳар иккала конструкциянинг сақланиб туришини, биринчидан, уларда ҳаммавақт тенгликнинг йўқлиги белгиласа, иккинчидан услубни белгилайди.

Бир фикрни тузилиш жиҳатдан турли булган гаплар орқали ифода этиш билан ҳам синтактик синонимия ходисасини юзага чиқариш мумкин. Бундай синонимия содда ва қушма гаплар уртасида ҳам қузатилади. Содда гапда ҳаракат-ҳолат ёки белги хусусият мураккаб тушунча сифатида қайд этилади. Қушма гапда эса ана шу тушунча ҳукмга айланади. Натижада тингловчининг диққатини бир нуқтага тортиш имконияти тугилади. Бундай имконият фақат қушма гапдагина мавжуд. Қушма гапда фикрни ифода этиш анча таъсирлироқ, чунки унда зидлик оттенкасини берувчи грамматик восита бирдан ортиқ. Содда гапда эса бу воситаларнинг фақат биттаси мавжуд.

Эргашган қушма гаплар турли синоним вариантлар билан алмашилиши натижасида содда гапга айланиши ёки бириктирувчи воситалар алмашилиб қушма гаплигича қолиши мумкин.

Боғланган қушма гап семантикасини урганиш қушма гап таркибида қандай грамматик воситанинг қулланиши гап компонентларида, яъни предикатив конструкцияларда иштирок этган лексик бирликларининг узаро грамматик-семантик муносабатидан англашилган умумий семантикасига

боглик эканлигини курсатади. Диалектик материализмдан маълумки, шакл мазмунни белгиламайди аксинча мазмун шаклни белгилайди. Кушма гап компонентларини факат грамматик форма боғлайди дейиш масалага бир томонлама ёндашиш булади. Бундай гапларнинг бошка боғланган кушма гаплардан фарқи шундаки, уларнинг грамматик формаси ёки унинг урнини босувчи ёки унга синоним була оладиган бошка бирон форма йук.

Кушма гап содда гапдан энг аввало мазмун сизимини катталиги, мазмуний синтактик тузилишининг узига хослиги, мураккаблиги билан фаркланади. Бу сузларнинг мазмуни оборотли гапдан англашилиб туради. Аникловчи эргаш гап бош гапда кулланмаган аникловчини функциясида кулланганда, бош гапда аникланиши лозим булган от олдига оборот шаклида келтирилади. Бундай эргаш гапларнинг эгаси баъзан тушириб колдирилади.

Бир вақтда юзага келадиган ҳаракат, воқеани курсатувчи пайт эргаш гапли кушма гап ҳудди шу хилдаги маънони курсатувчи пайт эргаш гапли кушма гапга синоним булади. Ҳеч вақт бир вақтдаги воқеа, ҳаракатни курсатувчи пайт эргаш гап кетма-кет ҳаракат, воқеани ифодаловчи эргаш гапга синоним булмайди. Айрим эргаш гаплар борки, уларда пайтдан ташқари бошка оттенкалар булгани учун уларни бу хилда пайт билдирувчи конструкциялар билан алмаштириб булмайди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мамажонов А. қўшма гаплар стилистикаси. –Тошкент: Ҳан, 1990. –Б.64.
2. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
3. Бозоров О. Градуонимиянинг антонимия ва синонимияни шакллантиришдаги ўрни. / ўзбек тили ва адабиёти. 1996, №4. –Б.35.
4. Ўзбек тили грамматикаси. I том. –Тошкент, 1975.
5. Жуманиёзов Р. Синонимлар таърифи масаласи./ Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, -№1. –Б. 41-42.
6. Акбаров С. Ўзбек тилида синтактик синонимлар масаласи./Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. –Т., 1961, №6. –Б.65.
7. Абдурахмонов Г. Кушма гап синтаксиси. Тошкент, 1958.
8. Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги замон узбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961.
9. Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги замон узбек тили. Синтаксис. Тошкент, 1961.
10. Сайфуллаева Р. Уюшган гаплар. Узбек тили ва адабиёти. 1988, 3-сон, 21-бет.
11. Нурмонов А. Кумакчи конструкциялар прессуппозицияси. Узбек тили ва адабиёти. 1986, 6-сон, 43-бет.
12. Абдурахмонов Г., Шукуров Ш. Узбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент. 1973.